O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 19 октябрь, № 205 (4104) Пайшанба





Халқимизнинг азалий қадриятига кўра, янги кўз очган ҳар бир булоқ хосиятли саналган. У келажакда юртга фаровонлик келтирувчи неъмат сифатида асраб-авайланган. Мамлакатимиз ёшларини ҳам янги кўз очган булоқларга ўхшатиш мумкин. Негаки, юртимизда жорий этилган таълимнинг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини юзага чиқаришни мақсад қилган.

БУЛОҚЛАР ЖИЛҒА, ЖИЛҒАЛАР ДАРЁ БЎЛАДИ

Бугун замонавий мактабларда таҳсил олган ёшлар лицей ва коллежларда яна-да тобланади. Асосийси, уларнинг ҳаётдан муносиб ўрнини топиш жараёни тезлашади. Ўз ўрнини топган инсон эса турмушидан рози бўлиб, яхшилик истагида яшайди.

Вобкент қурилиш касб-ҳунар коллежи ҳам туман ёшларининг жамиятда муносиб ўрин эгаллашларида ва камол топишларида беминнат хизмат қилиб келаётир. Барча қулайликларга эга фан кабинетлари, замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари ўқувчиларнинг ўз соҳалари бўйича билим олишларини таъминлаяпти. Бугунги кунда илм даргоҳида 500дан ортиқ ўғил-қиз малакали ўқитувчилардан таълим-тарбия олмоқда. Бу булоқлар келажакда жилғага қўшилади, дарё бўлади. Дарёни биласиз, у тириклик манбаидир.

СУРАТЛАРДА:

Вобкент қурилиш касб-ҳунар коллежи ҳаётидан лавҳалар.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ҚАРОРИ

Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида" 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2006 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 23 октябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини инобатга олиб, 2006 йил 23 октябрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасаддди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 18 октябрь.

Пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейи ташкил этилганига 18 октябрь куни 10 йил тўлди. Музейда мазкур санага бағишлаб ўтказилган тадбирда таниқли олимлар, ижодкорлар, давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, журналистлар ва талаба ёшлар иштирок этди.

ИСТИҚЛОЛ МЕВАСИ

Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти С.Ғуломов, Темурийлар тарихи давлат музейи директори Н.Ҳабибуллаев, Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссияси масъул котиби А.Икромов ва бошқалар мустақиллик йиллари мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан тарихимизни чуқур ўрганиш, буюк аждодларимиз ҳаёти, фаолияти ва меросини ҳар томонлама тадқиқ этиш ва халқимизга етказишга қаратилаётган юксак эътибор ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Бундай саъй-ҳаракатлар самараси туфайли буюк алломалар ва тарихий сиймолар ҳаёти, фаолияти ва ижодини ўрганиш, уларнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссасини тадқиқ этиш борасида изчил ишлар амалга ошириляпти. Юртимизнинг турли ҳудудларида жойлашган қадимий обидалар таъмирланиб, янги иншоотлар барпо этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Шундай зиё масканларидан бири — Темурийлар тарихи давлат музейи ўн йилдан буён ёш авлодни буюк ўтмишимизга эҳтиром, отабоболаримиз анъаналарига садоқат руҳида тарбиялаш, бой тарихимиз ва миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этиш ишига хизмат қилиб келаётир.

Музейда Амир Темур ва темурийлар даври тарихига оид икки ярим мингдан кўпроқ экспонат мавжуд. Тарихимизнинг энг муҳим даврларини ўзида акс эттирган ушбу ашёлар нафақат ҳамюртларимиз, балки хорижликлар учун ҳам қизиқарли манба бўлиб хизмат қилмоқда. Музейга ташриф буюрувчиларнинг қадами узилмайди.

Тадбир иштирокчилари музейдаги янги кўргазмалар билан танишдилар.

Б.ХИДИРОВА, ЎзА мухбири

ХОРАЗМ ПАХТАКОРЛАРИ ЗАФАРИ

Хоразм вилояти пахтакорлари давлатга пахта сотиш шартнома мажбуриятларини бажарди. Тайёрлов пунктларига 275 минг тонна қимматбаҳо хомашё топширилди. Шундан 190 минг тоннадан ортиғи юқори навли пахтадир.

Янгибозор, Хонқа, Боғот, Янгиариқ ва Қўшкўпир туманлари пахтакор фермерлари белгиланган ҳосилни бошқалардан олдин йиғиштириб олиб, умумий ғалабага салмоқли ҳисса қўшди. Бугуни кунга келиб пахтачилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликларининг ярмидан кўпи мажбуриятларни бажарди.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан маълум қилишларича, жорий мавсумда хоразмлик пахтакорлар кўпгина қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келди. Ёзнинг ўртасида ҳаво тўсатдан совуб кетгани сабабли экинлар етарлича қуёшнинг тафтини олмади. Замонавий агротехниканинг илғор услублари ва деҳқонларнинг бебаҳо тажрибаси табиат инжиқликлари оқибатларини камайтиришга ёрдам берди.

Вилоят пахта далаларида йиғим-терим ишлари давом этмоқда.

Тимур ШАМАКОВ, ЎзА мухбири.

Маълумки, жаҳон хўжалиги иқтисодий интеграцияси миллий бозорлар ва мамлакатлар хўжалик юритувчи субъектлари ўртасида узвий боғлиқликни англатадиган жараёндир. Шу билан бирга, у турли давлатлар доирасида ресурсларнинг эркин ҳаракатланиши орқали умумий бозорларнинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Мамлакатимизда ҳам жаҳон хўжалик тизимига қўшилиш, яъни интеграциялаш ва очиқ бозор муносабатларини таркиб топтириш борасида янги стратегия ишлаб чиқилди. Айтиш мумкинки, Тошкентда бўлиб ўтаётган II Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ҳам ана шу мақсадни амалга оширишга хизмат қилади.

ҲАМ ТИЖОРАТ, ҲАМ САЁҲАТ

Пахта ярмаркасининг иккинчи куни ҳам турли манфаатли музокараларга, маҳсулот олди-сотдиси бўйича битимларга бой бўлди. Шу билан бирга, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, ҳамкорликда самарали лойиҳаларни амалга ошириш борасида томонлар ўртасида кўплаб келишувларга эришилди.

Маълумот учун айтиш мумкинки, республика Товар-хомашё биржаси томонидан 17 октябрь куни ўтказилган савдо сессияларида хорижий пахта трейдерлари ва тўқимачилик компанияларнинг вакиллари томонидан 26,6 минг тонна тола харид қилинди. Кеча бўлиб ўтган биржа савдоси сессияларига эса, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси таркибидаги корхоналарда қайта ишланган 1-сорт, 4- ва 5- типдаги 100 минг тонна пахта толаси сотувга қўйилди.

Ярмарка иштирокчиларининг аксариятини жаҳон енгил саноатида ўзига хос нуфузга эга компания ва фирмалар ташкил этаётганини назарда тутган ҳолда, уларнинг айримлари Ўзбекистонда биринчи бор бўлиши, шунингдек, ўлкамиз ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмаслигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Шу сабабдан, уларда Ўзбекистон пахтачилиги ва уни қайта ишлаш борасидаги кенг кўламли ишлар хусусида ҳам етарли маълумот бор дейиш қийин. Бу эса, бизнес юритишда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради, албатта.

Таъкидлаш жоизки, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан пахта бўйича Халқаро маслаҳат қўмитаси ва бу соҳада энг нуфузли "Cotton Outlook" журнали, "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази қўмагида ташкил этилган ушбу тадбир ташкилотчилари бу борада бирор-бир муаммо туғилишининг олдини олишган десак, хато қилмаган бўламиз. Сабаби, иштирокчиларга нафақат пахта ярмаркасига оид мужассамлашган мукаммал маълумотлар тақдим этилди, балки уларнинг бевосита пахта хомашёсини қайта ишлаш корхоналарига ташрифини, у ердаги ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан танишишлари учун ҳам имконият яратилди.

Мисол учун, иштирокчилар куннинг иккинчи ярмида "Toshkent-Tola" ҳудудий пахта терминалига ташриф буюриб, корхона фаолияти билан яқиндан танишдилар. Таъкидлаш жоизки, "Ўзпроммашимпэкс" давлат акциядорлик компанияси тизимида фаолият кўрсатаётган ушбу пахта терминали "Ливерпуль", "Бремень" ва "Гдин" каби йирик пахта ассоциацияларининг аъзоси ҳисобланади. Унинг асосий фаолият турига эса, пахтани қабул қилиш, сақлаш, тола экспортини амалга ошириш, шунингдек, маҳсулотни экспертизадан ўтказиш, пахта толасининг сертификати ва декларация ишлари ҳамда товарни ўз транспорт воситаларида етказиб бериш каби вазифалар киради.

Ярмарка иштирокчилари ва меҳмонлари мазкур терминал фаолияти билан танишдилар ва ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича батафсил жавоб олдилар.

Биз фурсатдан фойдаланиб, тадбир иштирокчиларидан айримларини суҳбатга тортдик:

Алексей УХОВ: Россиянинг "Меркот АГ" савдо компанияси молия масалалари бўйича директори.

— Хабарингиз бор, Россия ва Ўзбекистон давлатлари ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Бу албатта, бизнинг фаолиятимизда ҳам татбиқ этилмоқда. Тўғриси, россиялик саноатчилар учун ўзбек пахтасининг барча яхши сифат ва хусусиятлари таниш. Шу боис, аввалроқ ҳам мамлакатингизнинг ташқи савдо компаниялари билан маҳсулот етказиб бериш бўйича иккита шартнома имзолаганмиз.

Мана 10 йилдирки, компаниямиз томонидан ўзбек деҳқони етиштирган пахта толаси сотиб олинади. Узоқ йиллик ҳамкорлигимизни ҳисобга олиб, II Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасидан салкам 10 минг тонна тола сотиб олмоқчимиз. Бу миқдор компаниямиз умумий савдо айланмасининг 25-30 фоизини ташкил этади.

Хитой пахта уюшмасининг бош котиби Ванг Джианхонг эса ўз фикр-мулоҳазаларини қуйидагича баён этди:

— Мазкур ярмаркада иштирок этишимиздан асосий мақсад ўзбекистонлик ҳамкорлар билан тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйишдир. Ишонаманки, ўрнатилажак ҳамкорлигимиз самарали ва у узоқ йиллар давом этади. Хитойлик саноатчилар ва трейдерларга ўзбек пахтасининг сифати яхши маълум. Шу боис, улар ярмарка давомида кўпроқ шартномалар тузиш ва тола сотиб олишдан манфаатдордир.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, икки кун давомида 1 млн. 700 минг тонна пахта толаси бўйича шартнома ва битимлар имзоланди. Унинг 600 минг тоннага яқинини 2006 йилги пахта ҳосили ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, II Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси кеча расман ўз ишини тугатган бўлса-да, иштирокчилар ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, маҳсулот олди-сотдиси бўйича шартномалар имзолаш каби музокараларини давом эттирмоқдалар.

Айрим хорижий ишбилармонлар эса, юртимизнинг қадимий ва навқирон шаҳарлари Самарқанд, Бухоро ва Хива бўйлаб саёҳатга отландилар.

Саидолим ҲАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Обуна — 2007

ЭНГ ТЕЗКОР ВА ҲОЗИРЖАВОБ

«Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради»

Ҳурматли муштарий! Юқоридаги сўзлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қабул қилган, Сенат маъқуллаган, Президент имзолаган қонунларимизнинг сўнгги моддасида ёзиб қўйилишини яхши биласиз.

Расмий эълон эса, биринчи бўлиб **«Халқ сўзи»** ва **«Народное слово»** газеталарида, ўқувчига қулай бўлиши учун китобча шаклида, амалга оширилади.

Ҳуқуқий давлатда яшаётган эканмиз, қонунларсиз олға қадам ташлолмаслигимиз турган гап.

Айни пайтда бизнинг газета ҳафта мобайнида ҳар куни (якшанба ва душанбадан ташқари) чоп этиладиган даврий нашрдир. Жаҳондаги энг муҳим воқеалар, депутатлар ва сенаторлар фаолияти, юртимиздаги ибратли ишлар, эзгу ташаббуслар ҳақида энг тезкор ва ҳозиржавоб мақолаларни ўзбек ва рус тилларида фақат ва фақат «Халқ сўзи» ҳамда «Народное слово» саҳифаларида ўқишингиз мумкин.

Фақат ўз вақтида расмийлаштирилган обуна ушбу нашрларни мунтазам олишингизга кафолат беради.

Бугунги давр талабларига жавоб берадиган корхона ва ташкилотларнинг юксак савияли раҳбарлари обуна масаласини ҳозирдан ҳал этмоқдалар.

КЕЧИККАН АРМОНДА ҚОЛАДИ, ШУНИ УНУТМАНГ!

НАВБАТДАГИ СОНЛАРДА

Парламент ҳаёти

ЙОД ТАНҚИСЛИГИ МУАММОСИ ДЕПУТАТЛАР НИГОҲИДА

ТУПРОҚҚА ЭГИЛГАН ЭЛ

Халқ шоирининг йўл очерки

ТЕРРОРИЗМ, АХБОРОТ ХУРУЖИ ВА МАТБУОТ

Долзарб мавзудаги чиқиш

Битта гап

Терри ТАУНСЕНД, Пахта бўйича Халқаро маслаҳат қўмитаси ижрочи директори:

— Бугун Ўзбекистон пахтани ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш соҳасидаги халқаро хўжалик муносабатларининг энг фаол иштирокчилари қаторига киради. Ўзбек пахтасининг жозибадорлиги ошмоқда, таркибий ўзгаришларни бошидан кечираётган Ғарб ва Шарқ бозорларида унга талаб ортмоқда. Бу нарса Тошкент ярмаркаси ташкилотчилари томонидан ҳисобга олинган ва бу ерда қатнашчиларнинг самарали ишлаши учун барча шароит яратилган.

Ислоҳот одимлари

Шу кунларда барча меҳнат жамоаларида, мамлакатимиз минтақа ва тармоқларида жорий йил 9 ойида эришилган натижалар таҳлил қилинмоқда. Мазкур масала муҳокамаларида асосий эътибор ислоҳотларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришда ижобий ишларни давом эттиришга қаратиляпти. Шу маънода Навоий вилоятида ислоҳотларнинг бориши тўғрисида баён этилган мақола газетхонларда қизиқиш уйғотиши мумкин.

ИҚТИСОДИЁТ РАВНАҚИ — ЗАМОН ТАЛАБИ

Иқтисодиётни эркинлаштириш, макроиқтисодий барқарорлик ва изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, унда хусусий мулкнинг етакчи ўрин эгаллашига эришиш, ташқи иқтисодий фаолиятни фаоллаштириш, бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ўзида мужассам этган замонавий ва яхлит тизимни вужудга келтириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш каби устувор йўналишлар бутун иқтисодиётимиз ривожланишининг бош йўналишлари этиб белгилаб берилган.

Вилоятимизда ҳам кўп қирали иқтисодиётни барпо этиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, янги иш жойларини яратиш, экспорт салоҳиятини ошириш ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, саноат корхоналарини реконструкция қилиш, чет эл инвестициясини жалб этиш ҳисобига қўшма корхоналар ташкил қилиш, зарар кўриб ишлаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарини тўласинча фермер хўжаликларига айлантириш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Буларнинг ҳаммаси вилоятда ҳар бир соҳани ривожлантиришга қаратилган аниқ ва мақсадли дастурлар ижроси доимий назорат қилиб борилаётганининг самарасидир.

Маълумки, вилоятимиз Қизилқум сарҳадларида жойлашган бўлиб, ер ости ва усти бойликлари, кимё саноати, электр қуввати ишлаб чиқариш жиҳатидан мамлакатимизда етакчи ўринларни эгаллайди. Вилоятдаги 24 та гигант саноат корхонаси турли маҳсулотлар ишлаб чиқариб, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшмоқда. Шу боис вилоятнинг иқтисодий ривожида улар асосий ўрин тутади. 2006 йилнинг 9 ой якуни ва таҳлилларига кўра, шу нарса кўриниб турибдики, ялпи ички маҳсулот ҳажми 850,5 млрд. сўмга етди. Бу 2005 йилнинг шу давридагига нисбатан солиштирганда 100,6 фоизни ташкил этади. Жумладан, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 103,6 фоизни, халқ истеъмоли моллари 103,9 фоизни, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 104,9 фоизни, пуллик хизмат кўрсатиш эса 118,1 фоизни ташкил қилди. Аҳоли жон бошига ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ўртача 1044,0 минг сўмга тўғри келди. Бу ҳам 2005 йилнинг шу давридагига нисбатан анча кўпдир.

Жорий йил истиқбол режалари, тушумлари хусусида тўхталадиган бўлсак ёхуд ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми борасида сўз юритсак, қилинаётган ишлар кўлами ниҳоятда кенглигига амин бўламиз. Чунончи, жорий йилнинг 9 ойида 840,1 млрд. сўмлик ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бу борада ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 105,3 фоиз ўсишга эришилди.

Биз юқорида иқтисодий ислоҳотлар аҳоли ижтимоий ҳимоясига қаратилган дедик. Дарҳақиқат, молиявий аҳвол ўнгланган, иқтисодий устуворлик ортган жойда аҳоли турмуш тарзи, маданияти тўлиқ шаклланади. Жорий йилнинг 9 ойида жами солиқлар ва мажбурий тўловлар тушуми 375,3 млрд. сўмни ташкил этди. Натижада истиқбол кўрсаткич режаси 101,7 фоиз уддаланди. Худди шундай ўтган йилнинг маҳаллий бюджет даромадлари қисми ҳам, тадбиркорлик фаолиятидан маҳаллий бюджетга тушумлар режаси ҳам беками-кўст бажарилди. Саноатда ҳам туб иқтисодий ислоҳотларга эришилди. 2006 йилнинг 9 ойида амалдаги нархларда 1541,8 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 99,6 фоизни ташкил этди. Жумладан, озиқ-овқат саноати соҳасида 20,7 фоизга, машинасозлик ва метални қайта ишлаш 35,8 фоизга, ун ва ун маҳсулотларини ишлаб чиқариш 11,7 фоизга, саноат қурилиш материалларини ишлаб чиқариш 3,7 фоизга, кимё саноатида 7,2 фоизга ўсиш кузатилди.

Вилоятда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми эса 55,2 млрд. сўмга етди. Натижада аҳоли жон бошига истеъмол моллари ўртача 67,5 минг сўмдан тўғри келди.

Маҳаллийлаштиришдаги ютуқларимиз ҳам залворли. Республика маҳаллийлаштириш дастурига асосан, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоят бўйича 763,9 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, режа 111,5 фоиз бажарилди. Шундан 526,6 млн. сўмлик маҳсулот ички, 51,7 млн. сўмлик маҳсулот эса ташқи бозорга сотилди. Ушбу дастур асосида корхоналар ҳисобидан 694,6 минг АҚШ доллари миқдорида валюта иқтисод қилинди. Маҳсулот ишлаб чиқаришда кўпроқ маҳаллий хомашёдан фойдаланишга интилаяпмиз. Масалан, «Қизилқумцемент» ОАЖда ишлаб чиқарилаётган оловга чидамли шамот маҳсулоти учун маҳаллий каолин минералидан фойдаланилмоқда.

Аўнда сўз

Ҳар ҳунармнинг фасли бор,
Ҳар бир ишнинг асли бор

2006 йилнинг январь-сентябрь ойларида 289 млн. сўмлик (1440 тонна) оловга чидамли шамот ишлаб чиқарилиб (режага нисбатан 160 фоиз), унинг ҳаммаси ички эҳтиёж учун йўналтирилди. Оловга чидамли шамот ишлаб чиқаришда 100 фоиз маҳаллий хомашёдан фойдаланиб, жами 209,5 минг АҚШ доллари иқтисод қилинди.

«Тизол-11» ХИЧКда ишлаб чиқарилаётган базальт толаси учун маҳаллий базальт тоғ жинсидан фойдаланилмоқда. 2006 йилнинг 9 ойлигида 161 млн. сўмлик (195 тонна) базальт толаси ишлаб чиқарилиб (режага нисбатан 74,3 фоиз), барчаси ички бозорга сотилди (тайёр маҳсулот қолдиғи билан). Базальт толаси ишлаб чиқаришда 100 фоиз маҳаллий хомашёдан фойдаланиб, жами 141 минг АҚШ доллари тежаб қолинди.

Шунингдек, ўтган даврда 288,5 млн. сўмлик (4930 тонна) бентонит кукуни ишлаб чиқарилиб (режага нисбатан 93,9 фоиз), унинг асосий қисми ички бозорда, 51,7 млн. сўмлиги эса ташқи бозорда сотилган. Бентонит кукуни ишлаб чиқаришда ҳам 100 фоиз маҳаллий хомашёдан фойдаланилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик борасидаги саъй-ҳаракатларимиз ҳам таҳсинга лойиқ. 2006 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, вилоятдаги турли иқтисодий тармоқларда 11178 та кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, шуларнинг 10348 таси микрофирмаларни, 939 таси кичик корхоналарни, 291 таси бошқа турдаги субъектларни ташкил этаяпти. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи туфайли 9 ойда 18792 та янги иш ўрни яратдик. Шу йил охиригача яна 2900 иш ўрни очишни мўлжаллаяпмиз.

Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам ижобий силжишга эришдик. Чакана савдо айланмаси ҳажми жорий йилда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 121,4 фоизни ташкил қилди ёки аҳоли жон бошига ўртача 211,9 минг сўмдан тўғри келди. Бу соҳада янги иш ўринлари яратишда ҳам муайян ютуқлар қўлга киритилди. Айни чоғда вилоятда 1517 та маиший хизмат кўрсатиш нуқтаси мавжуд бўлиб, янги 294 та иш ўрни яратилган. Шунинг 172 таси олис қишлоқ ва маҳалла гузарларида эканлиги қувонарли ҳолдир.

Вилоятнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришда қўшма корхоналар салмоғи муҳим ўрин тутаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Мисол учун, жорий йилнинг январь-август ойларида қўшма корхоналар томонидан 120,2 млн. АҚШ долларлик маҳсулот экспортга чиқарилди. Бу эса вилоят экспортининг 45,9 фоизини ташкил этади. Айниқса, «Зарланиндустрия» қўшма корхонаси Ўзбекистон-Россия ҳамкорлигининг рамзи бўлиб, бу корхонада жаҳон бозорида, ўта харидоргир кўкиш ва сарғиш мармар плиталари ишлаб чиқарилмоқда. Худди шунингдек, «Бахт-текстил» қўшма корхонаси ҳам янги уфқларни очмоқда. Йилига 10 минг тонна пахта толасини калавалаб, тайёр ип ҳолига келтира оладиган бу корхонада ҳозирда 300 нафар навоийлик маҳаллий ёшлар меҳнат қилишяпти. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасидаги ишларимиз кўлами ҳам кенгайиб бормоқда. 45 та катта-кичик шифохона, 236 та амбулатория поликлиникаси хизмат кўрсатаяпти. Шунингдек, 130 та қишлоқ врачлик пункти, 7 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 108 та фельдшер-акушерлик пункти аҳоли ихтиёрида. Афсуски, марказдан анча олис бўлган Учқудуқ, Томди, Конимех ва Нурота туманларининг аксарият овул ва қўрғонларида ҳалигача малакали врачлар етишмайди. Тиббий хизмат кўрсатишнинг моддий-техника базаси эса тўлиқ талабга жавоб бермайди.

Халқ таълими тизимида ҳам муайян ўзгаришлар кўзга ташланаяпти. Агар вилоятда жами 375 та умумтаълим ўрта мактаби бўлса, уларда 173 минг 109 нафар келажак авлод вакиллари таълим-тарбия олмоқда. 192 та мактаб тўлиқ газлаштирилган. Жорий йил 9 ойида Навоий шаҳрида 750 ўқувчи ўринли ва Хатирчи туманида 360 ўқувчига мўлжалланган янги мактаблар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Президентимизнинг умумтаълим мактабларини ислоҳ қилиш, таълим тизимини такомиллаштиришга оид сиёсати асосида мактабларни ўқув қуроллари, замонавий мебеллар билан жиҳозлаш, уларда ўқув лабораториялари ва компьютер технологияси бўлишлигини таъминлаш борасида муайян ютуқларга эришилди. Бироқ олис Қизилқум кенгликларидаги Учқудуқ, Томди, Нурота ва Конимех сингари чўл туманларидаги аксарият мактаблар иши, улардаги педагогик мутахассис-кадрлар танқислиги ҳали ҳам муаммо бўлиб қолмоқда.

Шу билан бирга, маданият ва спорт ишларида ҳам ҳали режа босқичида турган ишларимиз мавжуд. Вилоятда ҳозирги кунда 1 та ахборот- кутубхона маркази, 46 та ресурс ахборот маркази, 91 та клуб, 13 та ўйин-гоҳ, 219 та турли спорт заллари, 34 та теннис корти, 1624 та спорт майдончаси бўлса-да, булар ҳали етарли эмас. Айниқса, болалар спорти борасида ҳали анча ишлашимизга тўғри келади. Чунки қишлоқ жойларида, олис овулларда болалар спорти диққат-эътиборни талаб этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлаётган навоийликлар халқ хўжалигининг барча соҳаларида дадил қадам ташламоқдалар. Йилнинг 9 ойида эришилган натижалар пухта таҳлилдан ўтказилиб, бой берилган имкониятлар ҳисобга олинади, сўнгги чоракда йилни муваффақият билан якунлаш тадбирлари кўрилади, албатта.

Салоҳиддин САМАДОВ,
Навоий вилояти ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари.

Мамлакатимизда етти хазинанинг бири — балиқчиликни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 августдаги "Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур ҳужжатга кўра, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш бош бошқармаси, вилоятлар қишлоқ ва сув хўжаликлари бошқармаларида эса унинг бўлимлари очилди. Шунингдек, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази таркибидаги "Аквакультура" илмий-тадқиқот институти ва "Ихтиомарказ" корхонаси негизида Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди.

СУВДА ФАҚАТ БАЛИҚ ЯШАМАЙДИ

Қарор ва ижро

— Республикамиз балиқчилик тармоғида бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, хусусийлаштириш ва хусусий мулкчилик жараёнларини чуқурлаштириш, рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда балиқ ва балиқ маҳсулотларини сотиш тизимини тартибга солиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда, — **дейди балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази директори ўринбосари Дилмурод ШОЙМАРДОНОВ.** — Жумладан, мавжуд балиқчилик хўжаликлари тўлиқ хусусийлаштирилди, балиқчилик тармоғи ва унинг озуқа базасини ривожлантириш бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тармоқ ривожи кўп жиҳатдан наслчиликка боғлиқ. Шу боис марказ томонидан наслли балиқларни кўпайтириш, уларнинг янги турларини иқлим шароитимизга мослаштириш ва балиқчилик ресурслари билан таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Марказ ҳузурида фаолият кўрсатаётган минтақавий балиқ питомнигида маҳсулдор "Оқ Амур", "Чипор дўнгпешона" каби балиқлар кўпайтирилмоқда. "Айдар-Арнасой" табиий сув ҳавзасида ана шундай балиқларни урчитиш ишлари бошланади. Бу борада табиий қўллардан самарали фойдаланаётган Навоий вилоятидаги "Аква-Тўдакўл" қўшма корхонаси самарали ишлаётганини таъкидлаш жоиз. Ушбу корхонада жаҳон андозалари даражасида қурилган инкубатордан сифатли личинкалар олинмоқда.

2005 йили "Аква-Тўдакўл"да 502 тонна балиқ овланган бўлса, жорий йилнинг 6 ойида бу рақам 403 тоннани ташкил этди. Бундай ўсиш жараёнини бошқа балиқчилик хўжаликларида ҳам кузатиш мумкин. Айтайлик, балиқчилик хўжаликларида бундан уч йил аввал жами 5,4 минг тонна балиқ етиштирилган бўлса, жорий йилда бу миқдорни салкам 10 минг тоннага етказиш кўзда тутиляпти.

Бошқа соҳалар сингари балиқчиликни ривожлантиришда ҳам муайян тажриба ва изланишлар талаб этилади. Шуни ҳисобга олиб, марказда фаолият кўрсатаётган 20 нафардан зиёд илмий ходим балиқларнинг маҳсулдор турларини маҳаллий озуқалар билан озиқлантириш асосида етиштиришнинг жадаллаштирилган технологиясини ишлаб чиқиш, Орол денгизининг биологик маҳсулдорлигини аниқлаш мониторинги ва истиқболини белгилаш каби етти йўналиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. 2006-2010 йилларга мўлжалланган ана шундай илмий-тадқиқотлардан кўзланган асосий мақсад ҳовуз фондининг мавжуд қувватлари ҳосилдорлигини ошириш, табиий сув ҳавзаларидан балиқ хўжалигида самарали фойдаланиш, аквамаданият объектларининг маҳсулот турини кенгайтириш орқали балиқ етиштириш ҳажмини кўпайтиришдан иборатдир.

Кўплаб мамлакатларда нафақат балиқ экспорти, балки денгиз жониворларини етиштириш орқали ҳам катта даромад олинади. Ўзбекистонда ҳам бу борадаги ишларни жонлантириш йўлидан борилмоқда. Шу мақсадда балиқчилик хўжаликлари сув ҳавзаларини паспортлаштиришга киришилди. Бу жараён эса гидрологик ва гидрокимёвий режим, балиқ ови, такрор етиштириш ва мелиоратив ҳолат ҳақидаги маълумотларни ўзида мужассам этади.

Ҳозир марказимиз томонидан чучук сувда яшовчи криветкаларни етиштириш технологиялари устида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунинг афзаллиги шундаки, криветкаларнинг шўрланган сувда ҳам урчиши мамлакатимиздаги сув ресурсларидан унумли фойдаланиш имконини беради. Айни пайтда уларни етиштириш учун катта майдон ва сув талаб этилмайди. Бу эса кичик фермер хўжаликларига жуда қўл келади. Креветканинг гўшти тўйимли ва мазали бўлиб, унинг таркибида 23 фоизгача оқсил моддаси, аминокислоталар, қимматбаҳо микроэлементлар ва фойдали дармондорилар мавжуд. Буларнинг бари — инсон саломатлиги учун малҳамдир.

Мамлакатимизда етти хазинанинг бири бўлган балиқчиликни янада ривожлантириш учун талаб даражасидаги сув ҳавзалари ресурси ҳам, ишончли ва илмий асосланган лойиҳалар ҳам мавжуд. Улардан самарали фойдаланишнинг барча чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Сайёра ШОЕВА ёзиб олди. (ЎзА).

Банк хизматидан миннатдормиз

Дилдаги гап

Кўплар қаторида мен ҳам 2000 йилда фермер хўжалиги ташкил этиш ҳаракатига тушгандим. Бу Куйи Амударё воҳасида айни сув тақчил бўлган вақтга тўғри келганди. Шу боис айрим танишларим «Сув бўлмаса, ерни бошингга урасанми?» деб мени бу йўлдан қайтармоқчи ҳам бўлишди. Бироқ аҳдимдан қайтмадим. Кўнғирот тумани ҳокимининг 2000 йил 25 мартдаги қарори билан 12 гектар ернинг эгаси бўлдим. Биринчи йилдаёқ шартнома асосида давлатга 22 тонна «оқ олтин» сотдим. Бу билан чин дилдан меҳнат қилинса юқори ҳосил олиш мумкинлигини исботладим.

2001 йили 2 та «МТЗ», 1 та «ТТЗ-60» русумли тракторларни лизинг асосида сотиб олдим. Ишларим шу зайлда юришиб кетди. Халқда «Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар» деган ибора бор. Фермер банк билан муносабатларини тўғри йўлга қўя олса, ошиғи олчи бўлишига ўзим кўп бор амин бўлдим. Биз «Пахтабанк» кўмагида асосий юмушларимизни бажариб олдик. Хусусан, ҳайдов тракторлари сув билан ҳаводек зарур бўлган бир пайтда, 2003 йилнинг февралида банк томонидан 10 миллион сўм кредит ажратилди. Унга «Т-4» русумли тракторни харид қилдик. Бир йил ўтгач, қарздан қутулдик.

2005 йили 47 тонна ўрнига 104 тонна пахта сотдик. Банкдаги ҳисобварағимиздан 59 миллион сўм пул айланди. Соф фойда 15 миллион сўмни ташкил этди. Бу йилги хирмон ҳам чакки бўлгани йўқ. Шу кунга қадар 25 миллион сўмлик пахта сотдик. Рентабеллик 42 фоизга етди.

Агар дастлабки йиллари ўзим техникага эҳтиёж сезган бўлсам, бугун фермер хўжалигимиз техникалари бошқаларга хизмат кўрсатмоқда. Буларнинг барчасида мижоз манфаатини ўз манфаати деб билган банк жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор! Бундан миннатдормиз.

Қувватбой ЎТЕКОВ,
Қўнғирот туманидаги «Мустақиллик» фермер хўжалиги раҳбари.

ҲИММАТ БАРАКА КЕЛТИРАР

Хўжалик — шахсий, манфаати — умумий

Эрта билан ишга отланаётгандим. Кўча дарвозаси тақиллаб, биздан уч-тўрт ҳовли нарида турадиган қўшнининг тўнғич қизи келиб қолди.

— Ассалому алайкум, келинойим уйдами?

— Ҳа, уйда. Киравергин.

Қизнинг кўзларида қандайдир қониқиш, севинч аломатлари бор эди. Кейин билсам, қўшни қиз қатиқ увитиш учун томизғига келган экан. Айримлар ажабланиши мумкин. Хўш, бу оддий гапнинг тагида нима маъно бор? Томизғи сўраб келса келибди-да, дегувчилар топилади.

Бу эл-улуснинг кайфиятини ифодалайдиган ҳолат. Беш қўл баробар бўлмаганидек, аҳоли орасида кам таъминланган, ночор оилалар бор. Уларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида Юртбошимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон-фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинган эди. Мазкур ҳужжатнинг ижроси, айтиш жоизки, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида изчил таъминланмоқда. Хусусан, Тошкент вилоятининг Паркент туманида қарор ижроси тўлақонли бажариляпти, десак хато қилмаган бўламиз.

Шу кунгача туман бўйича кам таъминланган оилаларга 196 бош қорамол ажратилди. Ана шулардан бири Бахтиёр Азимбоев оиласига берилди.

— Оиламиз анчадан бери сут-қатиққа эҳтиёж сезарди, — дейди Бахтиёр. — Мурувватли, ҳимматли инсонларга раҳмат. Туман ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, ҳомийлар ёрдами билан бизнинг оилага ҳам бир бош сигир ажратилди. Болалар ниҳоятда хурсанд. Мана шундай саховат ёрдами учун раҳбарларимизга раҳмат айтаман.

Бу сўзларга изоҳнинг ҳожати йўқ. Туман бўйича 196 бош қорамол ажратилган экан, яна бир-икки йилдан сўнг уларнинг сони кўпайиб, шахсий ёрдамчи, чорвачилик хўжаликлари жадал ривож топади.

Ҳеч бир муболағасиз, такрор айтиш мумкинки, Юртбошимиз имзолаган мазкур Қарор жойларда ўз ижросини топяпти. Биргина Паркент туманини тилга оладиган бўлсак, бу ерда Қарор ижроси бўйича 12 жойда ем тарқатадиган шохобча, 9 жойда ветеринария хизмати бўлими ташкил этилди. Айнан ушбу Қарор ижроси бўйича вилоят семинари ҳам Паркентда ўтказилди. Энг асосийси, аҳолининг кам таъминланган қисми чорва молига эга бўлди. Бу — хонадонларда сут, гўшт маҳсулотлари мўл бўлади дегани.

Тўйчибой ДЎСТМАТОВ.

"Шўрчидонмаҳсулотлари" акциядорлик жамиятида қарийб етти минг тонна сифатли уруғлик дон тайёрланиб, Сурхон воҳаси ғаллакорларига етказиб берилди.

ҒАЛЛАКОРЛАР УРУҒ СЕПМОҚДА

Уруғлик дон янги цехда замонавий технология асосида тайёрланаётгани боис 250 миллион сўмдан зиёд маблағ тежаб қолинди: ортиқча транспорт харажатларига барҳам берилди ва маҳсулот таннархи анча арзонлашди.

Сурхондарё вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан олинган маълумотга кўра, айни пайтда ғалла етиштириш учун ажратилган майдонларда кузги дон экиш ишлари қизғин паллага кирди. Келгуси йил ҳосили учун 95 минг гектар майдонга "Крошка", "Полавчанка", "Чиллаки", "Краснодар-99" навли серҳосил ва тезпишар уруғлар сепилмоқда.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири.

ТАШЛАНДИҚ КОРХОНА

Инсонга хос бўлган бир қусур бор. Бу бефарқликдир. Айнан шу иллат туфайли кўпинча панд еймиз. Кўз ўнгимиздаги ўзгаришларни кўрмай қоламиз. Таҳририятимизга келган бир хат билан танишиб шундай фикрлар ўтди хаёлимдан. Мактубда кўтарилган масала, шундоққина ёнимизда содир этилган бўлса-да, эътиборсизлик туфайли уни сезмаганмиз ҳам.

Ажабо!

«Бир пайтлар пойтахтимизнинг марказида «Ўзбекксерокс» қўшма корхонаси очилганди. Бирон-бир ҳужжат ёки керакли манбалардан нусха олмоқчи бўлганлар ўша ерга борарди. Айниқса, талабалар, абитуриентлар, ўқитувчи-муаллимлар у дастёрнинг хизматидан мамнун эди. Китобча, қўлланма, автореферетлар, монографиялар, диссертацияларни тез ва исталган нусхада тайёрлаб берарди. Одамлар учун ҳам арзон, ҳам қулай эди. Яқинда у ерга бориб, ишимиз битмай қайтдик. Ишламаётган экан. Корхонанинг бу аҳволга тушиб қолиш сабабларини эса ҳеч ким изоҳлаб беролмади. Балки масалага таҳририят ойдинлик киритар, деган умидда сизларга мурожаат қилдик».

Жонкуяр газетхонлар — Ж. Мўминов, Қ. Орипов, Д. Қамбарова ва бошқалар ёзган аризадаги бу масалалар кишини бефарқ қолдирмайди...

Дарҳақиқат, мустақиллигимизнинг илк пайтлари — 1992 йилда пойтахтимизнинг қоқ марказида биринчилар қатори «Ўзбек ксерографик тизимлари» қўшма корхонаси очилганди. Икки давлат — Ўзбекистон — Англия ҳамкорлигида бунёд этилган мазкур корхона Отатурк кўчасида жойлашган бўлиб, у ўзининг тезкор, сифатли хизмати билан юртдошларимизга манзур бўлганди. Корхона нусха кўчириш фаолиятига мўлжалланган замонавий техник жиҳозларга эга бўлиб, матбаачилик маданиятимиз учун янгилик эди. Қарийб 400 минг АҚШ долларилик ўнлаб дастгоҳларда эллликка яқин ишчи-хизматчи меҳнат қиларди. Энг муҳими, тезкор ва арзон хизматдан барча мамнун эди.

— Зарурат туғилиб, юзта буклет тайёрлатишимизга тўғри келди, — дейди Ҳотам Омонов. — Излаб, учтўртта босмахонага бордик. Нусхаси озлиги сабабли у ердагилар буюртмани қабул қилишмади. Баъзилари ҳар донасини минг сўмдан камига тайёрлаш мумкин эмаслигини айтишди. Шундан кейин «Ўзбекксерокс» қўшма корхонасига келдик. Матбаачилик бўлимидагилар буюртмани бажонидил олишди ва бир кунда тайёрлашди. Ҳам бежирим, ҳам нафис буклетларнинг ҳар донаси атиги 170 сўмга тушди, холос.

Аҳолининг оғирини енгил қилаётган, маънавиятимиз, маданиятимизга хизмат қилиши лозим бўлган мазкур корхонадаги бугунги ҳақиқий аҳволни билгимиз келди. Не ажабки, корхона остонасини ҳатлар эканмиз, хатда ёзилганидек ҳолатга дуч келдик. Бир пайт гавжум бўлган даргоҳ бўм-бўш. Бу ерда шу йилнинг апрель ойидан буён иш тўхтаб қолибди. Сабаби эса жуда ғалати.

— Корхонамиз директори Фарҳод Мирзаахмедов Москва шаҳрига хизмат сафари билан кетганича ҳали келгани йўқ — дейди корхонада қолган тўрт-беш нафар ходим бараварига. — Бош ҳисобчи Т. Авросиева бошқа ишга ўтдим, бу ердан бўшаганман, деб ҳужжатлар ва корхона муҳрини топширмай юрибди. Директор муовини Шуҳрат Машрабов хизмат таътилига чиққанман, дея ўзини четга тортганига анча бўлди.

Бу гапларни эшитиб ҳайрон қолдик. Наҳот шундай?

— Банкдаги ҳисоб-рақамларимиз ҳам ёпилган, — дея гапини давом эттиради суҳбатдошларим. — Ташкилотнинг раҳбари йўқлиги сабабли шундай ночор аҳволдамиз.

Халқимизда шаҳар бедарвоза эмас, деган нақл бор. Аммо ушбу корхонада унга амал қилинмаган кўринади. Сўраб-суриштирилганда аён бўлдики, ростданам беш ой бурун корхона раҳбари ишчи-хизматчилари билан хайр-хўшни насия қилиб қаёққадир ғойиб бўлибди. Бош ҳисобчидан дарак йўқ. Корхона шу тарзда беэга қолибди. Унинг тақдири нима бўлган? Ишлаяптими ёки банкрот бўлганми? Уям номаълум. Ҳеч ким, ҳеч нарсани билмайди.

Аниғи шуки, ташкилотнинг мулкига нисбатан, юмшоқ қилиб айтганда, бепарволик қилинган. Айтишларича, корхонанинг учта енгил машинасидан бегоналар фойдаланиб юрган экан. Аҳволнинг танглигидан манфаатдор кимсалар корхона биносини арзимаган нархда сотиб олиш илинжида юришганини эшитдик. Ҳали айтилганидек, энг ачинарлиси, шаҳар марказида қад ростлаб, халқимизга маданий-маърифий тезкор матбаа-матбуот хизмати кўрсатаётган корхона ташландиқликдан зорланиб ётибди. Унинг илгаригидек довруғ таратишига ишонса бўлармикин?

Юртимизда кундан-кунга қўшма корхоналар сони ортиб бормоқда. Бундан-да муҳими, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат ички бозорни тўлдиришга, балки мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга ҳам хизмат қилмоқда. Шундай бир пайтда «Ўзбек ксерографик тизимлари» қўшма корхонаси раҳбарияти нега бундай йўл тутганига ҳайрон қолади киши. Бутун бошли жамоани аросатда қолдириб кетилишига сабаб нима? Ахир, бунинг жавобгарлиги ҳам бўлиши керак-ку!

Қ. ЭШМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БМТ ХК аъзолари аниқланаяпти

БМТ Бош ассамблеяси Хавфсизлик Кенгашида овоз бериш йўли билан ХКнинг тўртта янги аъзоси аниқланди. «Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлигининг хабар қилишича, Жанубий Африка Республикаси, Индонезия, Италия ва Бельгия овоз беришнинг биринчи босқичидаёқ зарур бўлган учдан икки қисм овоз тўплаган. Мазкур давлатлар келгуси йил 1 январдан БМТ Хавфсизлик Кенгашида шу пайтгача аъзо бўлиб турган Танзания, Япония, Дания ва Греция ўрнини эгаллайди. Бешинчи аъзо давлат номи ҳозирча номаълум. Айни пайтда бу ўрин учун Венесуэлла ва Гватемала номзод бўлиб турибди.

Эслатиб ўтамиз, БМТ Хавфсизлик Кенгаши — вето ҳуқуқига эга бўлган 5 та доимий ва ҳар икки йилда минтақалар бўйича алмашиб турадиган 10 та доимий бўлмаган аъзодан иборат бўлади.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Қўмондонлик огоҳлантирди

Ливандаги БМТ тинчликпарвар кучлари қўмондонлиги Исроил қирувчи самолётлари мамлакат чегарасини бузиб ўтишни тўхтатмаса, улар уриб туширилиши мумкинлиги тўғрисида расмий Тель-Авивни огоҳлантирди. «Ҳааретз» газетаси Исроил мудофаа вазири Амир Перец берган маълумотга таяниб шу хабарни тарқатди.

Ушбу масала Исроил парламентининг ташқи ишлар ва мудофаа масалалари комиссиясининг ёпиқ эшиклар ортида ўтган йиғилишида муҳокама қилинганидан сўнг, Амир Перец Ливан БМТ томонидан қабул қилинган резолюциянинг барча талабларини бажармагунича, мамлакат ҳарбий ҳаво кучлари самолётлари мазкур давлат чегараларини бузавериши тўғрисида баёнот билан чиқди. Унинг таъкидлашича, самолётлар Исроил хавфсизлиги учун керак бўладиган разведка маълумотларини тўпламоқда.

Резолюцияга муносабат

Кеча расмий Пхеньян БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан ўзига нисбатан қабул қилинган резолюцияга муносабатини билдирди. Мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги баёнотида таъкидланишича, Шимолий Корея ҳукумати мавжуд вазиятни атрофлича муҳокама қилиб, резолюцияни тўлиқ рад этади. Баёнотда, шунингдек, мамлакат суверенитетига дахл қиладиган ҳар қандай давлатга қарши ҳужум қилишга КХДР ҳарбийлари тайёрлиги таъкидланган.

Эслатиб ўтамиз, шанба куни БМТ Хавфсизлик Кенгашида АҚШ томонидан тақдим этилган Шимолий Кореяга нисбатан санкция резолюцияси қабул қилинганди.

Америкаликлар норози

АҚШ фуқароларининг 64 фоизи мамлакат президенти Жорж Буш томонидан Ироқ масаласида юритилаётган сиёсатни ёқламайди. Бу ҳақда ўтказилган сўровнома натижалари асосида CNN телекомпанияси хабар тарқатди. Хабарда таъкидланишича, Америка аҳолисининг аксарият қисми Ироқ масаласини АҚШнинг энг катта муаммоси деб ҳисобламоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

FAMILY от East Telecom

Ўхшаш бўлмаган замонавий янги авлод тармоғига уланиш имконияти.

Ажратилган линиядан уй Интернетига уланиш билан, сиз замонавий рақамли АТСга уланган бепул телефон рақамига эга бўласиз.

1 йўла 2 хизматдан фойдаланиш (интернет+телефония).

Рўйхатга олиш учун тўлов

№	Номланиш	Нарх
1.	Уланиш	35
2.	Ускуна ўрнатиш, созлаш	15

Ойлик тўлови

№	Тариф режаси	Абонент тўлови	Интернет уланиш тезлиги	Тўланган лимит		Лимитдан ташқари тўлов	
				Интернет (Мбайт)	Телефония (дақиқа)	Интернет (Мбайт)	Телефония (дақиқа)
1.	FAMILY MINI	15	128 Кбит/с.	250	300	0,06	0,0015
2.	FAMILY MIDDLE	20	256 Кбит/с.	400	чегирмасиз	0,05	0
3.	FAMILY MAXI	120	128 Кбит/с.	чегирмасиз	чегирмасиз	0	0

Алоқа кенглиги – бизнес равнақи.

www.etc.uz
Телефон: 150-00-00.

Хизматлар лицензиялангани.

26 октябрь — 6 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги «Истиқлол» болалар спорт мажмуида мини-футбол бўйича Олимжон Акбаров хотирасига бағишланган II анъанавий турнир бўлиб ўтади.

ҚАЛАМ ЎРНИГА ФУТБОЛ ТЎПИ

«Спорт» ва «Ўзбекистон футболи» газеталари соврини учун ўтказиладиган мазкур турнирда газета, журнал, телевидение ва радиода фаолият кўрсатаётган журналистлардан тузилган 20 га яқин жамоа иштирок этиши кутилаяпти.

Дарҳақиқат, яйпанлик пахта тозалаш заводининг оддий ишчиси, аввал футболчи, кейин мураббий бўлиб ишлаган Олимжон Акбаров ўзбек футболи фидойиларидан бири эди... Ўтган йили Яйпан шаҳрида Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб ўтказилган турнир ҳақиқий футбол байрамига айланиб кетганди. Туман марказий стадионига водийнинг қалдирғоч футболчиси номи берилди. Шундан сўнг мусобақа Тошкентда журналистлар ўртасида давом эттирилди. Унда 14 та жамоа ғолиблик учун баҳс юритди.

Ташкилотчилар фикрича, журналистлар ўртасидаги навбатдаги турнирнинг савияси ўтган йилгидан ошса ошадики, асло кам бўлмайди. Мусобақанинг мукофот жамғармаси ҳам анча салмоқли. Жумладан, биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни қўлга киритган жамоалар олтин, кумуш, бронза медаллари ва катта пул мукофотлари билан тақдирланишади. Шунингдек, тўртинчи ўрин соҳибига ҳам махсус соврин берилади. 11 та номинация бўйича энг яхши деб топилганларни ҳам муносиб совринлар кутиб турибди. Бундан ташқари, ҳомийлар томонидан турнирни матбуот, телевидение ва радиода яхши ёритган журналистлар учун алоҳида мукофот белгиланган.

Куни кеча ўтказилган ташкилий қўмита йиғилишида таъкидланганидек, мусобақани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, оммавий ахборот воситалари ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ўзбек футболи ривожига муносиб ҳисса қўшган инсонларнинг ибратли ҳаётини тарғиб қилишдан иборат.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КОРПОРАЦИЯ

КОМПАНИЯЛАР ВА КОРПОРАЦИЯЛАР УЧУН ТАРИФ РЕЖАЛАРИ



МТС абонентлари учун:
- Халқаро роуминг хизмати Австрияда (T-Mobile) ва Исландияда (Vodafone) ишга туширилди.
- Тармоқ кенгайиши давом этмоқда! Қўшимча янги 22 база станцияси Тошкент (Янгийўл, Пскент), Самарқанд (Нурбулоқ, Ингичка), Сирдарё (Гулистон), Наманган (Гова, Пунган, Хонобод, Шохидон), Жиззах (Жиззах), Навоий (Мерган, Қоратепа), Хоразм (Урганч, Иттифоқ), Бухоро (Бухоро), Қашқадарё (Чимқўрғон, Қизилтепа, Чоршанба, Чоштепа, Олмазор, Эски Яккабоғ) вилоятларида ишга туширилди.
- 16 октябрдан 16 ноябргача контент - провайдер «INFORM-MOBIL TASHKENT» МТС билан ҳамкорликда «Ортиқчасини олиб ташланг» викторинаси ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Ўздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади

Хизматлар лицензияланган

ОРТИҚЧАСИНИ ТАШЛАНГ! КЕРАГИНИ ОЛИНГ!
1-3 ЎРИНГА - УЯЛИ ТЕЛЕФОНЛАР
ВИКТОРИНАНИ ТЕЛЕФОНИНГИЗ МЕНЮСИДАН ИЗЛАНГ
MTS-PLUS → SIM-CARE → RAZVLECHENIYA → ENIGOT → VOPROS
Батафсил маълумот www.mts.uz ва www.pm.uz сайтларида

MTS PLUS МТС

МТС

NBU

Бухоро вилояти пахтакорлари давлатга пахта сотиш йиллик шартнома режасини бу йил ҳам мамлакатимизда биринчилардан бўлиб уддалади. Қабул масканларига 360 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» хомашёсини етказиб бердилар. Ялпи ҳосилнинг 100 фоизи эса биринчи навларга сотилди. Бу меҳнат зафарида Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Бухоро вилояти бўлими ва унинг Вобкент, Ғиждувон, Шофиркон, Ромитан, Қоракўл, Когон, Қоровулбозор филиалларининг ҳам ҳиссаси бор.

ФЕРМЕРЛАРГА КАМАРБАСТАМИЗ

Гап шундаки, банкимизнинг туман филиаллари 1086 та фермер хўжалигига сифатли банк хизматлари кўрсатиб келмоқда. Аниқ рақамларга мурожаат қилсак, жорий йилда 986 та фермер хўжалиги 46718,54 тонна пахта хомашёси, 561 та фермер хўжалиги эса 14694,4 тонна ғалла ҳосилини етиштириш бўйича шартномалар имзолаган эди. 2005 йил 11 августда Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ, бўлимимиз томонидан жорий йил ҳосили учун уларга минерал ўғит ва ёнилғи-мойлаш материаллари сотиб олиш, техника ҳамда бошқа харажатлари учун жами 6572 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, барча фермер хўжаликлари ғалла ва пахта тайёрлаш бўйича давлат буюртмаларини ошириб бажардилар. Натижада ҳозиргача Молия вазирлиги ҳузуридаги Жамғарма томонидан ғалла ҳосили харажатларига ажратилган имтиёзли кредитлар муддатидан олдин қайтарилди. Пахтачилик билан шуғулланаётган фермерлар ҳам банкдан олган қарзларини узиш пайидан бўлмоқдалар.

Айни кунларда мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида бўлгани каби, Бухоро далаларида ҳам пахта йиғим-терими давом этмоқда. Негаки, ҳали ҳосил чўғи баланд. Банкимиз томонидан эса шу кунга қадар теримчиларга 2024,0 миллион сўм миқдорида нақд пул маблағлари тарқатилди.

Шу билан бирга, Миллий банкнинг Бухоро вилояти бўлими ва туманлардаги филиаллари ҳозирда 2007 йил ғалла ҳосилини етиштириш харажатларига ҳам имтиёзли кредит ажратиш ишларини бошлаб юбордилар. Жорий йилнинг 16 октябрь ҳолатига кўра, банк томонидан белгиланган меъёр асосида 96929,7 минг сўмлик имтиёзли кредитлар 536 та фермер хўжалигининг ҳисоб рақамларига ўтказиб берилди. Шу мақсад учун эса жами 788582,5 минг сўмлик имтиёзли кредитлар берилиши режалаштирилган. Бу — ўтган йилдагига нисбатан 172905,0 минг сўм кўп, демакдир.

Бундан ташқари, банкимиз 22 та фермер хўжалигига техника воситалари харид қилиш учун шу йил 1 октябрга қадар 153,3 миллион сўм маблағ ажратди. Бу йўналишдаги кредитлар қолдиғи 126,1 миллион сўмни ташкил этмоқда.

— Биз жорий йилда ғалла ҳосили етиштириш учун Миллий банкнинг туман филиалидан 3600,0 минг сўм кредит олгандик, — дейди Шофиркон туманидаги «Ярашбобо-97» фермер хўжалиги раҳбари Ш. Ҳасанов. — Натижа чакки бўлмади — давлатга 146 тонна ғалла сотдик. Даромад ҳам шунга яраша бўлди. Шу боис банкдан олган кредитимизни ўз вақтида узишга эришдик. Биз бундан буён ҳам мана шу банк билан муносабатларимизни мустаҳкамлаб бораверамиз.

Мижозларимиздан банкимиз ҳақида шундай илиқ гапларни эшитиш биз учун мароқли, албатта. Бундай ишонч жамоамизни фермерлар билан янада яқинроқ шерик бўлишга ундайди.

Ботир ЗАРИПОВ,
Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Бухоро вилояти бўлими бошқарувчиси.

ХОРАЗМ ТЎЙГА ШАЙЛАНМОҚДА

Мустақиллик йилларида аждодларимиз яратган бой илмий ва маданий мерос яна маънавиятимизга қайтди. Президентимизнинг 1997 йил 11 ноябрдаги «Хоразм Маъмун академиясини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони шу маънода алоҳида аҳамиятлидир. Юртбоши ташаббуси билан Хивада ташкил топган янги академия давр талабига монанд илмий фаолиятини янги бир шароитда бошлаб юборди. Шундан кейин, 2003 йилда бўлиб ўтган 32-сессиясида ЮНЕСКО Бош конференцияси Маъмун академиясининг 1000 йиллигини дунё миқёсида кенг нишонлаш ҳақида қарор қабул қилди. Сўнг Вазирлар Маҳкамасининг «Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида«ги қарори эълон қилинди. Хоразмликлар бундай хушхабарларни катта мамнуният билан кутиб олдилар. Халқимизнинг қадимий бой илмий меросини чуқур ўрганишга, ёшларимиз қалбида миллий ифтихор ва тарихимизга ҳурмат туйғуларини камол топтиришга хизмат қиладиган, халқаро аҳамиятга молик ушбу тадбирга ҳозирлик кўришга қизғин киришилди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили Хоразмга ташриф буюриб, академиянинг фаолияти ва юбилейга тайёргарлик ишлари билан танишганларида «Қайта тикланган ва минг йиллиги халқаро жамоатчилик иштирокида кенг нишонланишга тайёргарлик кўрилаётган Маъмун академияси республика Фанлар академиясининг ҳудудий бўлимигина бўлиб қолмаслиги, балки ўзига хослиги билан дунёга машҳур илмий тадқиқот марказига айланмоғи даркор. Бунинг учун эса Маъмун академиясида олиб борилаётган илмий-тадқиқотларнинг йўналишларини синчковлик билан танлаш зарур. Замонавий Маъмун академиясининг олимлари тарихимизнинг номаълум саҳифаларини очиб беришлари керак. Айнан шу ердан туриб олимлар ўлканинг экологияси, ер ости сувлари ва тупроғининг минераллашуви муаммолари, Хоразмни бошқа минтақалардан ажратиб турадиган ўзига хос жиҳатлар ҳақида дунёга ўзларининг илмий-тадқиқотлар билан тасдиқланган сўзларини айтиши керак», — деб таъкидлаган эдилар. Бу сўзлар Хоразм аҳлини янада руҳлантириб юборди, бу ерда катта бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди, кўпгина тадбирлар амалга оширилди. Академияда илмий тадқиқотлар учун юқори даражадаги шароитлар яратилган. Бу ерда олимларимиз Юртбошимиз таъкидлаган муҳим йўналишларда — минтақада ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш Хоразмга мос бўлган, шўрга чидамли ўсимликларни танлаш ва мослаштириш, давлатчилик ва фан тарихи каби мавзулар бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишаётгани диққатга сазовордир. Маъмун академиясининг 1000 йиллик тўйи арафасида академия ишини янада жонлантириш мақсадида Президентимиз томонидан ўта ноёб, зарур биохимик лаборатория анжомлари туҳфа қилинганлиги янада қувонарли бўлди.

Физик-кимёвий тадқиқотлар лабораториясида эса жаҳон андозаларига тўла мос келадиган юқори самарали хроматограф ҳам ишга туширилди. Унинг ёрдамида озуқалар, тупроқ ва сувлардаги турли органик бирикмалар (заҳарли моддалар, кимёвий бирикмалар ва ҳ.к.)ни аниқлаш имконияти мавжуд.

Генетик таҳлил лабораторияси (ПЦР)да ДНКнинг хусусиятларига боғлиқ ҳолда ўсимлик ва ҳайвонларнинг турли касалликларини аниқлаш, уларнинг генетик паспортини тузиш, муайян белгиларга эга генетик тизимлар ва навлар яратиш имконияти яратилган. ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти олимлари билан ҳамкорликда одам ва ҳайвонлар, ўсимликлар генетикасини ўрганиш бўйича шартнома ҳам тузилган. Кўриниб турибдики, ушбу лаборатория асбоб-ускуналари Хоразм вилояти ва унга ёндош ҳудудларда ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, бу ҳудудларга хос ўсимликлар ва экин турларини танлаб олишда жуда қўл келади.

Ҳозирги вақтда академияда кўпгина хорижий илмий марказлар билан алоқалар ўрнатилган. Франциянинг Сорбонна университети, Кореянинг Кёнҳи университети билан тарих, археология, этнография, биотехнология соҳаларида, Саудия Арабистонидаги Подшоҳ Фатҳ илмий-текшириш маркази, Франциянинг Миллий кутубхонаси билан қўлёзмаларни тадқиқ қилиш масалаларида ўзаро фойдали ҳамкорликка киришилгани фикримизнинг далилидир.

Хоразм Маъмун академиясининг бой кутубхонаси энг қулай ахборот — ресурс маркази сифатида шаклланди. Шунингдек, академиянинг ўз музейи ташкил этилди. Улар олимлар ва зиёлиларнинг севимли масканига айланиб бормоқда.

Ҳозирги кунда Маъмун академияси ва олий ўқув юртлари орасида узвий боғланиш юзага келганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунки бой илмий базага эга бўлган бу маскан олий ўқув юртлари талабалари, олимлари учун тўлақонли илмий ишлар олиб бориш имкониятини яратиб беради. Айни вақтда Урганч Давлат университетининг термитлар билан ишлайдиган, тупроқшунослик ва дон экинлари бўйича илмий изланишлар олиб борадиган, биологик фаол моддалар ва ўсимлик бўёқлари бўйича шуғулланадиган, «Хоразм вилояти ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш» халқаро лойиҳаси бўйича машғул олимлар гуруҳлари академияда фаолият кўрсатмоқдалар.

ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуура шу йилнинг сентябрь ойида расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлганида Хива шаҳрини зиёрат қилди.

— *Маъмун академиясидан олган таассуротларим кутганимдан ҳам зиёда бўлиб чиқди. Ундаги тадқиқотлар келажак сари йўналтирилган. Бу марказ ҳам қадимий анъаналарни, ҳам ҳозирги замон илм-фан ютуқларини изчил давом эттирмоқда, — деб таъкидлади Коичиро Мацуура.*

Академия қошида «Доривор ўсимликлар боғи» ташкил этилгани, тажриба базаси ҳудудида лабораториялар ва ўсимликлар генофонди учун биноларнинг қуриб битказилганлиги ҳам илмий изланишларнинг амалиёт билан чамбарчас олиб борилаётганлигидан далолат беради.

Академия жамоаси тарихий, адабий асарларни излаб топиш, ўрганиш ва келажак авлодга етказиш борасида самарали иш олиб бормоқда. Жумладан, Хоразм Маъмун академияси тарихига оид ёзма манбалар излаб топилгани қувонарли бўлди. Абу Наср ибн Ироқнинг Маналаус асарига ёзган шарҳи араб тилидан ўзбек тилига ўгирилиб, илмий жиҳатдан таҳлил қилинди. Абу Райҳон Беруний нинг «Тафҳим» асари араб тилидан ўзбек тилига таржима қилинди. «Хоразм Маъмун академияси» китоби босмадан чиқди. Шунингдек, Исмоил Журжонийнинг «Заҳираи Хоразмшоҳий» асари VI китобининг ўзбек тилига таржимасидаги асаб ва руҳий касалликлар баёни Ибн Синонинг «Тиб қонуни»даги асаб ва руҳий касалликлар бўлими билан қиёсий ўрганилди.

Айни пайтда Хоразм Маъмун академияси ҳақидаги маълумотлар Интернет тизимига алоҳида сайтларда киритилди. Хоразм вилоят телерадиокомпанияси томонидан «Муқаддас маскан» номли ҳужжатли фильм яратилди. «Ўзбеккино» агентлиги билан ҳамкорликда илмий-оммабоп фильм суратга олинди. Шунингдек, Хоразм Маъмун академиясининг ҳозирги даврдаги фаолиятига оид мультимедия ва академия фотоальбоми тайёрланди. Қадимги Маъмун академияси олимларининг хориж кутубхоналарида сақланаётган асарлари аниқланиб, улардан нусхалар, микрофильмлар кўчириб олинмоқда.

Юбилей муносабати билан ўтган йили Ўзбекистон тарихи музейида академияга бағишланган махсус кўргазма ташкил этилди. Шу жумладан, академия музейининг экспонатлари ҳам янгидан тайёрланди. «Хоразм Маъмун академиясининг тарихи, бугуни ва келажаги» мавзусида республика илмий конференцияси ўтказилганлиги ҳам эътиборга лойиқ. Яқинда Париж шаҳрида ЮНЕСКОнинг Бош қароргоҳида Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ва Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди. Ушбу саналарга бағишланган халқаро конференция муносабати билан ЮНЕСКО Бош қароргоҳининг фойесида Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ва Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган кўргазма ташкил этилди.

Академиянинг 1000 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Унда биринчи галда кенг миқёсда қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари кўзда тутилганди. Айни пайтда Урганч ва Хива шаҳарларида катта қўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Академия биноси тўлиқ таъмирланди. Унинг олдида чиройли, гўзал хиёбон бунёд этилди. Хиёбонга учта рангли антиқа фаввора оро бериб турибди. Хива туманида жойлашган академиянинг 10 гектарлик экспериментал базасида лаборатория биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Академиянинг улкан тўйи муносабати билан, умуман, Хива шаҳрининг кўчалари ободонлаштирилмоқда, йўллар асфальтланмоқда, уларнинг бўйлари гулзорларга бурканмоқда. Туман марказий ўйингоҳи капитал реконструкция қилиниб, унга 2000 дан ортиқ пластик ўриндиқ ўрнатилди. Хивадаги 20-Мехрибонлик уйи, туман юқумли касалликлар шифохонаси ҳам тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, Ичонқалъа ёдгорликларини таъмирлашга ҳам катта эътибор кўрсатилмоқда. 1 та коллеж, 2 та мактаб қурилди. Бу ишларнинг барчасига маблағ зарурлиги ҳисобга олиниб, вилоятда хайрия ҳашари ўтказилди. Ҳашардан тушган маблағ қурилиш ва ободонлаштиришга сарфланди. Бунда, айниқса, ҳомийларнинг саховати яққол намоён бўлди.

Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик тўйига оз фурсат қолди. Юбилейга тайёргарлик кўриш жараёни билан танишар эканмиз, унинг юқори савияда нишонланишига амин бўлдик. Ушбу тантана халқимизнинг боқий қадриятлари байрами бўлиши шак-шубҳасиздир.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қадамбой ОТАЕВ олган суратлар.

Ўн асрлик санани нишонлаш асосида воҳа йўллари шундай кўркам кўриниш олди.

Оққан дарё оқаверади. Маъмун академияси истиқлол туфайли юртимизнинг маърифий марказига айланиб қолди.

— Бу бебаҳо ва ноёб битиклар буюк ўтмишимиздан ёдгорликдир, — дейди ахборот ресурс маркази раҳбари Райҳон Зарипова.

ИИВ матбуот маркази хабар қилади

Тузлиққа тупурганлар

«Бир кун туз тотган жойингга қирқ кун куллуқ қил», дейди доно халқимиз. Бироқ Олмалиқ шаҳрида яшовчи Б. Максим ва Х. Антонлар учун бу нақлнинг заррача аҳамияти йўқ бўлиб чиқди. Ўзлари ўқиган мактабга яширинча кирган бу шоввозлар қоровулнинг оёқ-қўлларини боғлаб, чойнак-пиёла, телефон аппарати, осма соат каби буюмларни ўмариб кетдилар. Яхшиямки, шу яқин орадан ўтиб бораётган ички ишлар ходимлари ҳушёрлик кўрсатиб, босқинчиларни ушлаб қолишди.

Собиқ ўқувчилар нима учун бу қадар паст кетишганини тергов аниқлайди.

Пўлат кишан тақилди

Андижон вилоятидаги Тўрткўл қишлоғидан Тошкентга келган М. Нуриддин Шайхонтоҳур туманидаги болалар боғчасидан ўтиб бораётганида фуқаро Н. Акромованинг бўйнидаги қимматбаҳо тилла занжирга кўзи тушиб қолди. Шу заҳоти шайтоннинг измига бўйсунди. Кўп ўйлаб ўтирмай, аёлнинг бўйнига чанг солди-да, занжирни чўнтагига урганча жуфтакни ростлади. Аммо узоққа боролмади. Ушбу ҳудудни назорат қилиб юрган милиция ходимлари уни воқеа жойининг ўзидаёқ қўлга олишди.

Опа-сингил талончилар

Самарқандлик опа-сингил З. ва С.лар шаҳар кўчаларида тентираб юришгани бежиз эмас экан. Мақсадлари «ўлжа» топиб, уни хомталаш

қилиш экан. Шунга кўра, ўқишдан сўнг уйга қайтаётган талабага куч ишлатиб, унинг қулоқларидаги зиракларни ечиб олишди. Ва айни шу пайтда ИИБ ходимларига дуч келишди.

Эндиликда мазкур ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Исмоил МИНОВАРОВ,
ИИВ матбуот маркази ходими.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ИХТИСОСЛАШГАН ОЛИЙ БИЗНЕС МАКТАБИ

2006-2007 ўқув йилига абитуриентларни қуйидаги йўналишлар бўйича қабул қилади.

Кундузги бўлимга:
- ўрта ва кичик корхоналар бухгалтери;
- пул воситалари бўйича мутахассис;
- ЭҲМ оператори.



Ўқиш муддати — 1 йил.
Ўқиш якуни бўйича битирувчиларга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ўрта махсус маълумот ҳужжати берилади.

Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
Машғулотларни Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ва бошқа олий ўқув юртларининг етакчи профессор-ўқитувчилари олиб борадилар.

Абитуриентларнинг ҳужжатлари 2006 йилнинг 25 октябрига қадар қабул қилинади.
Абитуриентлар тест синови натижалари бўйича ўқишга қабул қилинадилар.

Қишлоқ ёшлари бюджет ҳисобидан ўқиш имкониятига эга.

Вилоятлардан ўқишга қабул қилинганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Маълумотлар учун телефонлар: (3712) 395-85-96, 132-63-42.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 183, (Мукимий театри биноси орқасида), 1-корпус (собиқ 1-ётоқхона биноси), 2-қават ихтисослашган олий бизнес мактаби (Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ҳудуди).

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй.
Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

BELARUS

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ «Беларусь» ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.

KAMMAZ ARSENAL

Тошкент ш., «Братислава» к., 11.
Тел.: 361-40-33, 361-40-90.
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази жамоаси Сирдарё вилояти, Оқолтин тумани ижтимоий-иқтисодий коллежи директори **Явқошти ҲАЙДАРОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Ўзбек ва рус тиллари кафедраси катта ўқитувчиси Феруза Алимжоновага отаси **Холиддин ШАРИПОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекенгилсаноат» Давлат акциядорлик компанияси жамоаси бошқарув раисининг ўринбосари Шамсиддин Султоновга ўғли **РУСЛАНнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзфармсаноат» ДАК жамоаси бошқарув раиси маслаҳатчиси Шожалил Шораҳмедовга онаси **Маҳбуба ШОРАҲМЕДОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухамедали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Каримов.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — Топширилди — 12345